

---

## Данғара тумани ҳокими 1-сектор рахбарининг Капасарой маҳалласида сайёр қабули ўтказилди.

Данғара тумани ҳокими 1-сектор рахбари ҳамда Данғара тумани халқ қабулхонаси мудирини иштирокида Капасарой МФЙда аҳолини ўйлантираётган муаммолари юзасидан сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабул давомида 30 нафардан ортиқ фуқароларнинг ичимлик суви, электр таъминоти, ички йўлларни асфалтлаш, тадбиркорлик учун кредит олиш, уй-жойни таъмирлашда кўмаклашиш, 2 ва 14 ёшли бола пули, моддий ва тиббий ёрдам каби масалалар бўйича мурожаатлари бирма бир тингланди. Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

---

2024-05-06 18:33:11